

# **Журналист ва блогерлар аҳоли хонадонлариға ўрнатилаётган “Ақлли” газ ҳисоблагичлар ва олис тоғли худудларга етказилаётган суюлтирилган газ жараёнлари билан танишди**

“Hududgaz Surxondaryo” газ таъминоти филиалига қарашли ташкилот ва корхоналар фаолияти тубдан ўзгартирилиб, аҳолига суюлтирилган ва табиий газни ўз вақтида етказиб бериш, куз-қиши мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, газ қувурларини мукаммал таъмирлаш дастурларини муддатида бажаришга, газ тақсимлаш пунктларининг соз ҳолатдалигини доимий назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир.







